

Коровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводи ишчилар шаҳарчасида жойлашган Имом ал-Бухорий номидаги фуқаролар йиғинида маҳалла тўйи бўлди.

Шодийнага тўпланган маҳалла аҳли дастлаб спорт мусобақаларини томоша қилишди. Болалар ўртасида ўтказилган кураш, теннис, волейбол ва футбол беллашувлари голибларига мукофотлар топширилди.

Тўйда элга ош тортилиб, кам таъминланган оилаларга кийим-кечаклар инъом этилди. Бадий хаваскорлар гуруҳларининг чиқишлари тадбирга ўзгача файз бағишлади.

(ЎЗА)



ОТТИ БАКТИ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИКА БОШЛАГАН

ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 23 июл, чоршанба № 113 (1538)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 июл кuni Оқсаройда Россия Федерациясининг «Газпром» очик турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

Ўтган йилнинг декабрида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ўртасида «Газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим» имзоланган эди. Ушбу келишув доирасида жорий йилнинг май ойидан Ўзбекистон табиий газининг экспорти бошланди. Шартномавий мажбуриятларга кўра, 12 ой давомида газ экспорти ҳақи 5 миллиард куб метрга етиши керак.

Ушбу ҳужжат «Газпром» билан янгича муносабатларини таъминлашга таъминоти қўйди, деди Ислам Каримов учрашувда.

Дарҳақиқат, ҳамкорлик тўла стратегик шериклик таъминоти асосланган. Маълумотларга кўра, 2005 йилга бориб, Ўзбекистон газининг экспорти 10 миллиард куб метрга етказилади.



Бу кўрсаткичга эришиш учун «Ўзбекнефтгаз» билан «Газпром» ўртасида компрессорларни тўла таъмирлаш, газ транспорти тизимини такомиллаштириш учун моддий-техникавий ресурслардан ҳамкорликда

фойдаланиш борасида келишувга эришилган.

Айни пайтда «Газпром» билан ҳамкорликда Шохпахта конини тўла ўзлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Унда 11,9 миллиард куб метр газ

борлиги аниқланган. У ерда қўшимча босим берадиган компрессор станциясини барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Томонлар уни ҳаётга имкон қадар тезроқ жорий қилиш борасида ишламоқда.

«Ўзбекнефтгаз» билан «Газпром» Устюрт минтақасидаги конларни ўзлаштириш борасида ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Айни пайтда «Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасидаги конларда геология-разведка ишларини ўтказиш ва уларни ўзлаштиришда ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома» тайёрланган. Бу ишга «Газпром» замонавий технологиялар ва сармоя билан хисса қўлиши ниятида.

Бундан ташқари, нефть ва газ қазиб олиш, ташиш, компрессор станцияларини ишлаш, бурғилаш билан шуғулланувчи мутахассислари қайта тайёрлаш дастури ишлаб чиқилган. Жорий йилнинг сентябридан келаси йилнинг июлигача «Газпром» ўқув марказларида 900 нафар ўзбекистонлик мутахассис малака ошириши мўлжалланмоқда. Оқсаройдаги учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги аҳоли ва истиқболга оид масалалар муҳокама қилинди, икки томонлама фойдаланиш шартномалари ишлаб чиқиш имкониятлари кўриб чиқилди.

(ЎЗА)

Ибрат

Бугун мамлакатимизнинг қайси бурчагига борманг, мустақиллигимизнинг 12 йиллиги шарафига билан амалга оширилаётган эзгу ишларга гувоҳ бўласиз, жўшиб яшаётган элдошларимизни учратасиз. Улар ўзларининг иқтисодий ютуқларини мезонини маънавий юксаклик билан ўлчаб, маърифатга, ёш авлод келажагига баҳоли қудрат хиссаларини қўшаётирлар. Қуни кеча Узун туманида бўлганимизда саховатпеша инсонларнинг эзгу ишларини кўриб дилдан қувондик. Туман ҳокимининг муовини Нусрат Ҳўжақелдиев бу ҳақда фахр-ифтихор билан шундай дейди:

БАРКАМОЛ АВЛОД КЕЛАЖАГИ УЧУН Узун туманидаги саховатпеша кишилар ташаббуси

Туманимизда ҳавас қилса арзийдиган ишлар кўлами кундан-кунга ортиб бормоқда. Ж.Эширзаев номли, «Серҳаракат» ва «Хонжиза» ширкат ҳўжаликларидagi бир гуруҳ олимҳиммат кишиларимиз хашар йўли билан мавжуд мактабларга қўшимча синфхоналари қуриб бермоқдалар. Биргина Ж.Мирзаев ширкат ҳўжалиги худудидаги 18-умумтаълим ўрта мактабига қўшимча олти синфхона хашар йўли билан қуриди. Ушбу хайрли тадбир ташаббускорлари кишлоқ аҳли ва мактаб муаллимларидир. Уларнинг самарали меҳнати билан синфхоналар янги кўйилди. Хайрли ва эзгу ишдан ота-оналар ҳам четда туришмади. Улар бир миллион сўмдан ортик маблағ тўплашди. Айниқса, Саид Юлаев, Зийдулло Икромов, Тўлқин Турғунов, Дўстмурод Холматов сингари саховатпешалар 30-50 минг сўмгача саховат ёрдами кўрсатишди. Тўпланган маблағларга синфхоналарга замонавий жиҳозлар ва спорт ашёлари харид қилинди.

Табиати сўлим ва мафтункор тоғли Хонжиза кишлоғида Узун туман халқ таълими бўлимига қарашли 46-умумтаълим мактаби жойлашган. Билимгоҳ директори Иззатулла Исмаилов ҳўжалик раҳбарлари га болалар учун синфхоналари етимаётгани, мактабни таъмирлаш зарури-

ҒАЛЛАОРОЛГА ЙИЛ ЯХШИ КЕЛДИ

Ғаллаорол туманининг «Кўкбулок» ширкат ҳўжалигидаги «Шухрат» фермер ҳўжалиги деҳқонлари 80 гектар лалми ерда парваришланган ғалланинг ҳар гектаридан 22 центнердан ҳосил олди. Фермер ҳўжалиги шартномада белгиланган ҳосилни давлатга топширган, ўзида 100 тоннадан зиёд ғалла қолди. Лалмикорликда 20 центнердан ошириб ҳосил олиш ҳар йили ҳам насиб этавермайди. Бу йил эса бундай кўрсаткичга эришганлар кўп. Биргина «Кўкбулок» ҳўжалигида икки юз фермернинг йигирмадан зиёди 20 центнердан ошириб ҳосил олди. Кейинги ўттиз йил давомида туман бўйича биринчи марта энг кўп - 57 минг 442 гектар лалми ердан дон йиғиб олинди. Ғалла қатта майдонга экилгани ва ҳосилдорлик юқорилиги иқлимнинг лалмикорлик учун қулай келганлигидана эмас, балки деҳқончиликка янгича ёндошувининг ҳам натижасидир. Лалмикорликда барча ерлар ҳозир фермерлар тасарруфига ўтган. Бугун туманда 1 минг 224 фермер ҳўжалиги ғаллачилик билан шуғулланаётди.

Лалмикорликда фермерликни ривожлантиришга эътибор қўйилганлиги фақат дон етиштиришда эмас, балки дуккакли, ёғли ва полиз экинларининг кўп экилиши имконияти яратди, дейди туман фермер ҳўжаликлари уюшмаси раиси Х.Маматқуллов. - Бу йил тумандаги деярли барча фермерлар алмашлаб экиш учун қолдирилган майдонлардан самарали фойдаланиб, масхар, зиғир, кунжут, кунгабоқар, нўхат, қовунтарвуз ва бошқа экинларни экиди. Юртимиз фаровонлигига лалмикор деҳқонлар ҳам ўзларининг салмоқли улushiни қўшмоқда.

(ЎЗА)

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири

Долзарб мавзу

Ҳозирги кунда ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни шартнома асосида шакллантиришга ёрдам берадиган механизмларни қўлайлаштириш, шартнома тўзатган томонларнинг ҳўқуқлари, ўзаро мажбурият ва масъулиятларини аниқ белгилаб қўйиш мақсадага эришишнинг етакчи омилидандир. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳам алоҳида таъкидланди.

жариллиши юзасидан мониторинг ўтказилди. Табиийки, ҳўжалик манфаатини кўзлаган даъво аризаси судга киритилди. Пировард натижада шартнома талабларини бузганлик учун жавобгар томон тегишли иш ҳақи билан бирга катта миқ-

КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ баъзи жойларда нега бир томонлама тузилмоқда?

Ўзбекистон Президентининг «Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ноқурлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қўлайлаштириш тўғрисида»ги Фармони суд, прокуратура идоралари олдига ҳам масъулиятли вази-фалар қўйди. Тадбиркорлар, ноз-неъмат яратувчи ҳақ-хўққини қаттиқ тўриб ҳўқим қилиш, мулкдорларнинг иқтисодий ётдаги ролини ошириш юзасидан хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Андижон вилоят ҳўжалик судига жорий йилнинг олти ойи ичида 1255 та даъво аризаси киритилиб, шундан 1196 таси ўз вақтида ҳал этилди. Катта миқдордаги маблағ даъвогарлар фойдасига ундириб берилди.

дордаги пеня ҳам тўлади. «Андижонкартошка» шўъба корхонасида ҳам шартнома шартларини бажаришга ёзакки ёндошув томир отган экан. Акс ҳолда Жалолқудук тумани «Қатортол» ширкат ҳўжалиги томонидан топширилган уруғлик картошка ҳақини тўлаш оилаб чўзилмасди. Шартномани қўшқўллаб имзоланган корхонанинг умуми раҳбарларини негадир пинакларини бузишмасди. Сабр касоси тўлган картошқакорлар ҳўжалик судига мурожаат қилдилар. Тажрибали мутахассислар савй-ҳаракатидан сўнг адолат қарор топди.

Ҳаёт шуни кўрсатишмоқдаки, баъзи жойларда шартномалар негадир бир ёқлама тузилмоқда. Ёки қимлардир унинг шартларини бажаришга белисанд қарайди. Юқорида қайд этилган Фармон талабларидан келиб чиқиб, ҳўжалик суди шартнома мажбу-

риятларининг ижросини таъминламаганлик ва бошқа ҳолатлар юзасидан 9 та жиний иш қўзғатди. Шунингдек, шартномавий муносабатларда томонларнинг ҳўқуқий манфаатларига зиён етказган 83 нафар шахс маъғий жавобгарлигида торти-либ, жарима ундирилди. Меҳнат жамоаларида тарғибот, кенг тушунтириш ишлари олиб борилаётганлигига қарамай, тайёрловчилар ҳўқуқ ва манфаатларини чеклаш ҳоллари ҳамон учрамоқда. Шу ўринда бир мисол. Кўргонтепа туманидаги «Намуна» ширкат ҳўжалиги «Пилла» давлат корхонаси билан 6280 килограмм пилла хом ашёси етказиб бериш юзасидан контракция шартномасини имзоллади. Лабзи ҳалол қумуш тола ижодкорлари белгиланган пилла ҳосилини ўз вақтида корхонага топширдилар. Бироқ, ҳисоб-китобдан дарак бўлмади. Шунда ширкат мунтазадилари қонуний ҳақларини ундиришни сўраб, тегишли идораларга мурожаат қилдилар. Шунда Андижон вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармаси томонидан шартнома мажбуриятларининг ба-

Д.МИРЗАКАРИМОВ, Андижон вилоят ҳўжалик судининг судьяси

«Ишонч»га жавоб берадилар «ТАЛОН-ТАРОЖНИНГ ҲОМИЙСИ КИМ?»

Газетанинг шу йил 23 май сониди ана шу сарлавҳа остида Тоёқ туманидаги «Элипок» ширкат ҳўжалигининг бир гуруҳ фуқаролари шикоят хати асосида танқидий чиқиш бўлганди. Унда жумладан, ҳўжаликдаги экин майдонлари талон-тарож қилинганлиги, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш айрим лойиҳа раҳбарларнинг масъулиятсизлиги оқибатида амалга ошмай қолаётгани адолатли таразда кўрсатиб ўтилганди.

этилган мақолага июлда Самарқанд вилоят ҳокимлигидан жавоб хати олдик. Унда шундай дейилади: «Талон-тарожнинг ҳомийси ким?» сарлавҳали мақолада кўрсатилган муаммо ва камчиликлар вилоят ва туман ҳокимликлари ҳамда ер ресурслари бошқармаси мутахассислари томонидан атраф-лича ўрганиб чиқилди.

Орадан икки ой ўтди. Аслида матбуотда кўтарилган ҳар қандай долзарб масала у ёки бу маънода жойлардаги мутасаддиларнинг назаридан четда қолмаслиги лозим эди. Зеро, барча ютуқларимиз билан қанчалик қувонсак, нуқсон ва камчиликлар ҳам ўзимизники. Оммавий ахборот воситаларидаги танқидий чиқишлар эса ана шу муаммолар ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, бу каби камчиликларга келгусида йўл қўймаслик юзасидан барча туманлар ҳокимликларига тақдимномалар етказилди.

ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги самарали ҳамкорлик қўлами тобора кенгайиб бораётди. Буни АҚШ давлат департаментининг 2000 йилнинг апрелида мамлакатимизда фаолият бошлаган «Экспорт назорати ва чегара хавфсизлиги» дастури (EXBS) доирасидаги ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

АҚШ ҳукумати томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитага УАЗ русумидаги 146 автомашина топшириш маросими бўлиб ўтди. Умумий қиймати 800 минг АҚШ долларига тенг мазкур автомашиналар EXBS дастури доирасида тақдим этилди. Улар божхона ходимлари ва чегарачиларга ўз вазифини бажаришда жуда қўл келди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Б.Париев ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раисининг ўринбосари Р.Ҳабиев, АҚШнинг мамлакатимиздаги муваққат ишлар вакили Дэвид Эпплтон мамлакатларимиз ҳамкорлиги кўллаб соҳаларда, жумладан, хавфсизликни таъминлаш борасида ҳам изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

АҚШнинг Божхона ва чегарани қўриқлаш агентлиги билан ҳамкорликда амалга оширилаётган EXBS дастури оммавий қирғин қуроллари, улар билан боғлиқ технологиялар ва бошқа турдаги қуролларнинг тарқалишига қарши ҳамкорликда курашининг кўзда тутилди. Ўзбекистонда мазкур дастур назорати соҳасига ёрдам кўрсатиш - лицензиялаш ва ҳўқуқий соҳага доир семинарлар уюштириш, техникавий жиҳозлар етказиб бериш ҳамда чегара хавфсизлиги ва ҳўқуқтартибот маҳкамалари ходимлари учун ўқув-машғулотлари ўтказиш шаклида амалга ошириб келинмоқда.

EXBS дастури ўтган вақт мобайнида ана шундай мақсадлар учун Ўзбекистонга 3,5 миллион АҚШ доллари тенг ҳажмида ёрдам кўрсатилди. Жорий йилда эса алоқа воситалари, юк автомобиллари ва тунда кўриш асбобларидан иборат 6 миллион долларга тенг техникавий ёрдам кўрсатилиши режалаштирилган. Келаси йили эса иккита вертолёт тренажери ва иккита қўриқчи кема етказиб берилди.

(ЎЗА)

Республикамиздаги қўллаб қорхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, янги иш ўринларини барпо этиш, ишчи-хизматчиларга ўз вақтида маош берилишини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Ишловчиларнинг меҳнатларини муҳофаза қилиш, қулай иш шартини яратиш бериш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон машинасозлик ва тоғ-металлургия sanoati ходимлари касабга уюшма Марказий қўмитаси тизимидаги sanoat қорхоналарда бу борада олиб борилаётган ишлар шулар жумласидандир. Шунга қарамадан тармоқдаги айрим қорхона раҳбарлари ишчиларга қулай иш шартини яратиш бериш ва уларнинг меҳнатларини муҳофазалашга иккинчи даража-ли вазифадек муносабатда бўлишмоқда. Бу муҳим тадбир учун маблағ ажратиш масаласи ҳам айрим ҳолларда оқсамоқда. Айнан шундай қорхоналарда иш вақтида жароҳатланиш, ҳатто унинг ўлими билан тугаган ҳолатлари учрамоқда. Натижада улар «тежаб» қолинган маблағнинг бир неча баравари миқдорда тоvon пули тўлашга мажбур бўлишмоқда.

ИНСОНДАН УЛУҒИ ЙЎҚ

раҳбарлари билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси қонун-қоидаларига оғишмай амал қилинишига ҳаракат қилишмоқда. Бунинг натижасида қорхоналарда жароҳатланишлар сони камаймоқда. Фактларга мурожаат қилайлик. 2001 йили иш вақтида 18 та ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодиса содир бўлган бўлса, 2002 йилга келиб бу рақам сезиларли даражада камайди. Бу ишда меҳнатни муҳофазалаш муҳандис-техник ходимларнинг ўқуви тақил этилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур муҳим тадбир 1999 йилдан буён ўтказиб келинапти. Меҳнатни муҳофаза қилиш ходим-

ларининг билим савиялари мутасил равишда синодан ўтказилмоқда. Меҳнат муҳофазаси соҳасида ишлаётган мутахассисларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тақил этилмоқда. Яқинда тармоқ касабга уюшмалари Марказий қўмитасининг раёсатида қўрик-танлов лауреатларининг моддий рағбат миқдори оширилди. Эндиликда биринчи ўрин соҳибига 20, иккинчи ўрин эгасига 15, учинчи ўринни эгаллаганга 10 та энг кам иш ҳақи миқдорда пул мукофоти берилган бўлди.

Неъмат РАФИКОВ, «Ишонч» муҳбири

Ёшларни руҳан соғлом қилиб тарбиялашда маданият масканларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Зеро, уларнинг халқ билан яқинлиги бу борада яхши самараларни келтириб чиқармоқда. Буни биргина пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги маданият уйлари мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

МАДАНИЯТ УЙИ

халқаро «СОРОС» жамғармаси танлови ғолиби



Туман маданият ишлари бўлимига қарашли Абдулла Қодирий, Фурқат, Ҳамид Олимжон, Муқаррама Турғунбоева номли ва «Дўстлик» маданият уйлари ҳаммаша ёшлар билан гавжум. Мазкур маданият гўшаларида турли хил тўғарақлар ташкил қилинганлиги ёшларнинг ўзлари қизиққан санъат турлари бўйича ижро маҳоратини эгаллашларида янги имкониятларни очиб бераётди. Хусусан, қўшиқчилик, карнай-сурнай, балет, хор ижроси, рақс ва доирачилик каби тўғарақлар ўқувчи-ёшларнинг санъатга бўлган муҳаббатини ўстиришда ўзига хос ўрин тутмоқда.

Бу, ўз навбатида, ёш истеъоддорларни кашф қилиш ва улар учун маҳорат мактаби вазифасини ўташда ҳам бекиёс аҳамият касб этапти. Яқинда бўлиб ўтган «Ўзбекистон - Ватаним» республика кўрик-танловида Абдулла Қодирий номли маданият уйи қатнашчиси Заммира Орипованинг 3-ўринга муносиб топилганлиги фикримиз исботидир. Шунингдек, юнусободлик ёш санъатсеварларни бирлаштирган кўплаб гуруҳлар фаолиятини ҳам алоҳида тилга олиш жоиз. «Би-нафша», «Замин», «Зафар», «Шанс» ва ёш карнай-сур-

Эътироф



найчилар гуруҳларидаги умидли овоз соҳиблари, жажжи раққоса қизалоклар ва ёш созандаларнинг санъати элга манзур бўлмоқда. Чунки, «Замин» гуруҳи вакиллари Комилжон Сафаров, Рустам Расулов, «Зафар» гуруҳидан ака-ука Шохруҳ ва Дилёр Қўрғонбоевларнинг ширали овозлари ҳамда Дилшод Топшўлатов, Суннат Тўхтабоев каби ёш карнай-сурнайчиларнинг миллий оҳангларга бой куйларни маҳорат билан ижро этишлари тазовор бўлмоқда. Албатта, бунда заҳматқаш устоз-мураббийларнинг хизмати катта эканлигини тилга олмай ололмай. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Уғиллой Мухамедова, Шаҳодат Абдурахмонова, Абдурахим Ҳақназаров каби мусиқа муаллимлари ёшларга санъат сирларини ўргатишда ўзларнинг фидокорона ва сермашаққат меҳнатларини аямашапти.

Энг эътиборлиси, республика аҳамиятига молик 3 та мусиқа мактаби фаолият кўрсатаётгани ҳам туманда санъат ривожини юқори даражада эканлигидан далolat беради.

Тўлкин ШЕРНАЕВ, «Ишонч» мухбири Шохруҳ САРИЕВ олган суратлар

Хат йўлга чорлади

Таҳририятга Қашқадарёдан йўлланган мактубда кутубхоналар фаолияти, китоб савдосидаги камчиликлар қаламга олинган эди. Мухбиримиз жойларда бўлиб, ҳақиқий аҳвол билан танишди.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан маънавият масканлари фаолиятини яхши-

жовонлари ва бошқа жиҳозлар билан етарли даражада таъминланган. Махсус фанлар бўйича дарсликлар, услубий қўлланмалар ва янги адабиётлар сотиб олишга маблағ йўналтирилган. Хомийлар томонидан

КИТОБ САВДОСИДАГИ МУАММОЛАР

лашга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Вилоят марказий кутубхонаси таъмирланди, компьютерлаштирилди. Хизмат кўрсатишини яхшилаш, китобхоналарнинг маъжуд адабиётлардан тўла фойдаланишлари учун кулай шароит яратилди.

Марказий Осиёга бегараз ёрдам (САФЕ) ташкилоти ташаббуси билан Қарши шаҳрида халқаро кутубхона ташкил этилди. Ташкилотнинг вилоят бўлими қошида очилган мазкур кутубхона жовонларини инглиз тилидаги мингдан ортиқ ўқув, илмий ҳамда бадий адабиётлар ва 80 та фильм ёзилган видеотасмалар банд этган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августдаги «Республика китоб савдоси тизимини такомиллаштириш бўлса-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида аҳолининг бадий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий китоблар, мактаблар, ўрта-махсус, касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларининг янги авлод дарсликлар, ўқув адабиётларига эҳтиёжини қондириш, китоб савдоси тизимини такомиллаштириш вазифалари белгилаб берилган.

200 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилган.

Республика мизининг «Ўқитувчи», «Ўзбекистон», «Езувчи», «Мерос», «Чўлпон», «Ибн Сино», «Энциклопедия», «Меҳнат», «Ижод дунёси», «Адолат», «Маънавият», «Шарк» нашриёт матбаа концентрларида чоп этилган бадий-ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп китоблар, услубий қўлланмалар ва кўргазмали қуролларга акционерлик жамияти орқали 250 миллион сўмлик бюртюрмалар берилган. Банддан 35 миллион сўмлик кредит олиниб, янги адабиётлар келтирилган. Бирок, кутубхоналарга китоб сотиб олиш учун маблағ аниқ режалаштирилмаганлиги катта миқдордаги дебиторлик қарзининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Вилоят ҳокими қарорига асосан шаҳар ва туманларда 12 та китоб дўконлари очилиши керак эди. Воҳанинг Фузур, Деҳқонобод, Миришкор, Қамаш, Нишон, Қосон, Китоб, Муборак, Чироқчи, Яққоб ва Қасби туманларида биттадан китоб дўконлари ташкил этилди. Аммо, янги масканларни тўлиқ ишга тушириш, таъмирлаш, жиҳозлаш, назорат касса аппаратлари билан таъминлаш ҳал этилмаган.

«Қашқадарё китоб савдо» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Шавкат Бекмуродовнинг маълумотларига қараганда, бу соҳадаги ишловлар сусткашлик билан олиб борилапти. Вилоят ҳокимлиги ва мулк бошқармаси томонидан тузилган махсус гуруҳ китоб савдоси тизимининг кейинги 10 йиллик фаолиятини ўрганиб чиқди. Ҳақиқий аҳвол тармоқда жиддий муаммолар борлигини, уларни зудлик билан ҳал этиш, аҳоли ўртасида маърифий-тарғибот ишларини кучайтириш, моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш лозимлигини кўрсатди.

Бугунги кунда жамият ҳисобида «Зиё» маскани савдо уйи ва кўргазмалар зали, 6 та китоб дўкони, 3 та ижарадаги дўкон ва 14 та халқ таълими бўлими хузуридаги дарслик тарғиботи растанлари, 37 та фақат дарслик сотиш билан шуғулланувчи хусусий тадбиркорлар фаолият кўрсатапти.

Хозирги пайтда вилоятда 1074 та умумтаълим мактаблари, 471 та маданият бошқармасига қарашли кутубхоналари ишлаб турибди. Шундан 425 таси оммавий, 37 таси болалар, 9 таси кўзи оғирлар кутубхоналари бўлиб, зиё масканларидаги китоб жамғармаси 3,5 миллион нусхани ташкил этади. Шундан 2,2 миллион нусхаси эскирганлиги учун ҳисобдан чиқарилган.

Китоб савдосида жиддий муаммолар юзига келганлигини ҳис қил инкор этмайди. Кишлоқ кутубхоналарининг аҳоли очор. Бир вақтлар мавжуд бўлган китоб магазинлари хусусийлашиб, мулк шакли ўзгарган. Чекка қишлоқлар, тоғли ҳудудлар ва марказдан узоқда жойлашган қўрғонларда янги китобларнинг топиш амриҳамда. Маҳаллий бюджет параметрларида керакли адабиётлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш учун етарли даражада маблағ ажратилмабди. Китобларни жойларга етказиш ва кўча савдосини ташкил қилиш учун ҳиссадорлик жамиятида жиҳозланган кичик автомашиналар йўқ.

Туманларда фаолият юритган китоб дўконлари «Вилоятматбуотсавдо» жамияти тасарруфига ўтгандан бунга аҳвол яхшиландими? Бу саволга қониқарли жавоб топиш қийин. Эътиборсизлик ва шаҳар қурилишига қиритилган ўзгартиришлар туфайли дўконлардан 2 таси

Китобдан яхши дўст йўқ, дейишда алломалар. Китоб савдоси тизимини такомиллаштириш, аҳоли ўртасида миллий ва ҳақон адабиёти энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш, бадий, ижтимоий-сиёсий ва илмий-маърифий адабиётга бўлган талабларни мунтазам ўрганиш, айниқса, муҳимдир.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ЁШ МАТЕМАТИКЛАРИМИЗ - ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Мамлакатимизда ўқувчиларнинг замонавий билимларни пухта эгаллашлари учун барча зарур шароит яратиб берилган. Иктидорли ёшлар қўллаб-қувватланаётгани уларнинг нуфузли халқаро олимпиадаларда муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз илм-фани шарафини муносиб ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиздаги бир қанча танловларда ғолиб чиққан умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидан олти нафари 12-18 июль кунлари Япониянинг Токио шаҳрида ўтказилган 44-халқаро олимпиадасида муваффақиятли иштирок этишди. Унда дунёнинг қарийб 90 давлатидан 450 нафар ўқувчи қатнашди.

Халқ таълими вазириликка қарашли Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 1-ихтисослашган мактабининг бир йўла икки битирувчиси яхши натижани қўлга киритди: Дониёр Нафасов кумуш, Азиз Жўрақулов бронза медали соҳиб бўлди. Қолган тўрт нафар юртдошимиз фахрий диплом билан тақдирланди.

Ғалабамизда устозимиз, олий тоифали ўқитувчи Тўхтамурод Жумаевнинг хизмати катта, дейди Дониёр Нафасов. Тинимсиз изланиб, ўқиб-ўрганиб шундай нуфузли халқаро танловларда ғолиб бўлишимиз мамлакатимизда ёшларга билим олишлари учун барча зарур шароитлар яратиб берилганлигини самараси деб биламиз.

Саломатлик сабоқлари

Сут ва сут маҳсулотлари инсон саломатлиги учун бебаҳо шифобахш неъмат ҳисобланади. Тўғрилиги жиҳатидан ҳар қандай овқат ўрнини босади. Аммо бирорта маҳсулот сут ўрнини эгаллай олмайди. Сут таркибида оксил, мой, минерал тузлар, витаминлар, сут шакари, турли хил ферментлар, шунингдек, тирик организмнинг ўсиши ва ривожланиши учун жуда зарур 60 хил моддалар мавжуд. Шу билан бирга, сутдаги оксил ва мойлар энгил ҳазм бўладиган моддалар қаторига қиради.

ЭЧКИ СУТИ ХОСИЯТИ

Қадимги файласуфлар сутни «соғлиқ манбаи», «хаёт шарбати», «оқсон», - деб беҳиз таърифлашган.

Сутнинг шифобахшлик хусусиятини бундан 2500 йил муқаддам машҳур грек олими Гиппократ кашф этган. У ҳар бир ҳайвоннинг сутини ўзига хос даво хусусиятига эга эканлигини таъкидлаган. Чунки, унинг фикрича, эчки ва бия сутини сизга, сизнинг сутини - бод ва камқонликка даво бўлган. У асаби толиққан кишиларга ҳам сут ичишни тавсия этган. Ватандошимиз Абу Али ибн Сино ҳам ўз асарларида сутнинг моҳияти, табиати, хоссалари ҳақида алоҳида тўхталиб, у инсоннинг ҳазм қилиш аъзоларига, шис ва тошмаларга, жароҳат ва яраларга, бўғимларга, бош миёна фаолияти, нафас йўллари ва кўз шифосига ҳамда иситма ва захарларга қарши ишончли дори эканлиги тўғрисида кўп ёзган.

Унинг таъкидлашича, сут ва сут маҳсулотлари хомилдор ва эмизлик аёллар, ёш болалар, кексалар, айниқса, беморлар учун энг яхши, тўғрилиги ва парҳез озуқа ҳисобланади. У эчки сутини айниқса, шифобахш восита деб ҳисоблаган ва уни туз ҳамда асал қўшиб истеъмол этишни тавсия этган. Эчки сутини назлага даво бўлиб, уни тўхтади, ичти суради, томоқдаги, қовқуддаги яраларни даволайди, йўталга, қон тўшлашга, бошга, меъдага,

кўкракка фойда қилади. У қуруқ миғоздан бўладиган гаггинлик ва вазасога ҳамда эсда сақлабмаслик касаллигига яхши даводир. Шунингдек, эчки сутини билан оғизни чайқаш ва фарғара қилиш томоқ оғриққа, томоқ шисига, тилчанинг ва бодомсимон безларнинг шишларига фойдаси катта.

Эчки сутини ўзининг химиявий таркибида кўра кўпроқ она сутига яқин туради. Таркибида кўп витаминлар ва минерал моддалар мавжуд. Эчки сутинидаги ёғ дончалари сизнинг сутиникидан икки баробар кичик, оксиллар эса нозикроқ бўлади. Шу боис эчки сутини суғий озиқ-овқат маҳсулотлари билан боқилаётган ёш гўдакларга ҳам берса бўлаверади.

Шунингдек, эчки сутини таркибида В,Р,С,Д айниқса, А витамини ҳамда кальций, магний, марганец, темир каби микроэлементлар кўпроқ бўлади. Шунинг учун раҳит касаллиги, ич кетиш, жигар, ўпка сили, аллергия касаллиги бор кишиларга эчки сутини, айниқса, фойдалидир. Бундан ташқари, у ишқорли бўлгани туфайли ошқозонни ошқоқ қислота ажратадиган одамларга истеъмол қилиш тавсия этилади. Сутда аллергия касаллигига қарши таъсир кўрсатадиган хусусиятлар ҳам мавжуд. Экзема, қичима, астма билан оғриган беморларга эчки сутини истеъмол қилинади. Бундан ташқари бўғинларнинг оғриғи-

ОБИДА ТАСВИРГА ОЛИНДИ

Шерободнинг тоғли ҳудудда жойлашган Зараўстой тарихий ёдгорлиги дунёнинг нобъ манзилларидан бири саналади. Ушбу нодир ёдгорлик республика илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясининг бир гуруҳ ижодкорлари тасвирга олишди. Фильм «Сирли белгилар» деб номланган.

Зараўстой қоя тасвирлари энг қадимлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради, - деди Қоя тасвирлари умумжаҳон академиясининг аъзоси, фильм муаллифи Шамил Давлатжанов. Афсуски, айрим камарлардаги тасвирлар чанг-ғорби ичида қолди, бироз хира тўрибди. Уларни мутахассис ёрдамида аниқлаб, сўнг сув билан ювиб суратга олинди.

Фильмга кинорежиссёр Ҳожимурод Валиев продюсерлик қилди. Мустақиллик байрами арафасида мазкур ҳужжатли фильм экран юзини кўради.

«Туркистон-пресс»



Эчки сузмасининг сариқ суви (зардоб) ичилса, сафроли ичкетарни, сафроли хасталикларни, савдоли иллатларни, сариқ касаллиги олдини олади ва баданга сув югуртиради, иссиқ миғозли одамларга даво бўлади.

Эчки сутини иссиқ ичилса, ичти юмшатади, пешобни хайдайди, ичак дардларини бартараф қилади.

Эчки сутини иситмаларни тўхтади, у билан фарғара қилина ҳалқумдаги тилчалар шисини, оғиз бўшлиғи ва тиш миқнининг шишларини даволайди.

Мижози совуқ ва ҳўл миғозли одамларга эчки сутининг зарари бор, ҳижок ва кекириш пайдо қилади.

Сутни шакар билан ичилса, юз рангини чиройли қилади.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент

«ПАХТАКОР» ЧИЛАР БЎШ КЕЛИШАДИ

Жондор туманидаги «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда яшайдиган болаларнинг кўпчилиги футбол билан шуғулланади. Уларнинг ўз хомийлари ҳам бор. Маҳалланинг «Пахтакор» жамоаси 11-12 ёшли болалар ўртасида «Маҳалламиз футбол» шiori остида ўтказилаётган мусобақанинг вилоят босқинида ўзини кўрсатди.

Барча рақибларини доғда қолдирган «Пахтакор»чилар финалда Қорақўл туманидаги «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Шоҳимардон» жамоасини 3:1 ҳисобида енгиб, вилоят чемпиони бўлди.

(ЎЗА)

САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ - ОРОЛБЎЙИДА

сулотлари, болалар спорт анжумалари, кийим-кечак ва бошқа халқ истеъмоли моллари бўлиб, касалхоналар, мактаблар, болалар муассасалари учун мўлжалланган. Шунингдек, улар маҳалла аҳолиси ўртасида, айниқса, кам таъминланган оилаларга тақсимланади. Бундан ташқари, Эллиққалъа туманида жойлашган «Орол болалари» болалар соғломлаштириш оромгоҳини жиҳозлаш учун янги меъёл мажмуалари ҳам инсонпарварлик ёрдами сирасига киритилган.

Инсонпарварлик юзини жамлаш учун Экология ва саломатлик кунларининг 2-чи ёзги босқичи давомида ўтказилган умумреспублика экология ҳашаридан тушган маблағлардан фойдаланилди. Тадбирни корпорациялар, йирик ишлаб чиқариш бирилшмалари ва корхоналари, жумладан, қўша корхоналар молиявий қўллаб-қувватлади.

Қорақалпоғистонга йўл олган поездда Ташкент шифохоналарининг юқори малакали шифокорлари ҳам бор. Ва-

гонлардан бири тиббий усуналар билан жиҳозланган ва ҳақиқий тиббий хонаси вазифасини ўтади. Бу ерда қатор туманлар аҳолиси ҳар томонлама тиббий қўриқдан ўтказилади. Лозим бўлган ҳолларда уларга даволаш-машахат хизмати ҳам кўрсатилади. Биринчи навбатда нафақахўрлар, ногиронлар, ёлғиз қариялар шифокор қўриғидан ўтказилади.

(ЎЗА)

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Таҳрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳужаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эшонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 021.20

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

Махсус: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақидиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Тиражи: 9249 Буюртма Г—557. 1 2 3 4 5 6